

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**



**МИНИСТЕРСТВО ЮСТИЦИИ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

100047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

100047, город Ташкент, улица Сайилгох, 5
Тел.: (998 71) 233 39 38 Факс: (998 71) 233 48 44
www.minjust.uz, эл. почта: info@minjust.gov.uz

2019 йил 20 март 1/11-17-499/8-сон

**Марказий аппарат
таркибий бўлинмалари
(рўйхат бўйича)**

**Адлия органлари
ва муассасалари**

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2019 йил 19 мартдаги 94-ум-сон “Адлия органлари ва муассасаларида хизмат енгил автомобилларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳайида”ги буйруғи ижро учун юборилмоқда.

Мазкур буйруқда белгиланган вазифалар ижросини ўз вақтида ва тўлиқ таъминлашингиз сўралади.

Илова: 6 варақда (электрон шаклда).

**Ташкилий-назорат ва таҳлил
бошқармаси бошлиғи**

 **Ў. Назаров**



2019 йил “19” март

№ 94 -ум

“_____” март 2019 года

**Адлия органлари ва муассасаларида хизмат енгил автомобилларидан
фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 ноябрдаги 938-Ф-сон фармойишига мувофиқ

Б У Ю Р А М А Н:

1. Адлия органлари ва муассасаларида хизмат енгил автомобилларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ишлар бошқармаси (З.Туляганов), Молия-иқтисод бошқармаси (Т.Бекбутаев), ҳудудий адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари хизмат енгил автомобилларидан мақсадли ва самарали фойдаланилишни таъминласин.

3. Молия иқтисод бошқармаси (Т.Бекбутаев) ҳамда ҳудудий адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари мазкур буйруқ билан тасдиқланган Низом асосида ҳайдовчиларнинг ойлик иш ҳақига ҳамда штатлар жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритилишини таъминласин.

4. Ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси (Ў.Назаров) мазкур буйруқни барча манфаатдор таркибий бўлинмалар эътиборига етказилишини таъминласин.

5. Ушбу буйруқнинг ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Вазир

Тошкент шаҳри

Р.Давлётов

**Адлия органлари ва муассасаларида хизмат енгил автомобилларидан
фойдаланиш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 ноябрдаги 938-Ф-сон фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари, адлия муассасалари, туман (шаҳар) адлия бўлимлари (бундан буён матнда адлия органлари ва муассасалари деб юритилади) тасарруфидаги хизмат енгил автомобилларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, сақлаш ва таъмирлашни ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

хизмат енгил автомобили — адлия органлари ва муассасалари тасарруфидаги енгил автотранспорт воситаси;

хайдовчи — ўзига бошқариш ҳуқуқи билан бириктирилган хизмат енгил автомобилига жавобгар бўлган шахс;

масъул ходим — адлия органлари ва муассасалари тасарруфидаги хизмат енгил автомобилларининг техник ҳолати, ажратилган ёқилғини сарфлаш ва ҳаракат хавфсизлигини назорат қиладиган шахс.

3. Адлия органлари ва муассасаларида хизмат енгил автомобилларининг чекланган сони ва йўл босиш лимитлари қуйидагича белгиланади:

№	Кимга бириктирилиши	Мезон	Сони	Ҳар бир автотранспорт воситасининг сменаси	Ҳар бир автотранспорт воситасининг йиллик йўл босиш лимити (км)
Адлия вазирлиги марказий аппарати					
1	Вазир	Шахсан бириктирилган 1 та	1	2	36520
2	Вазир ўринбосарлари	Ҳар бир раҳбарга шахсан бириктирилган 1 тадан	3	1,5	27720
3	Бош бошқарма бошлиғи	Бош бошқарма бошлиғига 1 та	1	1,5	27720

4	Бошқарма бошлиғи	Бошқармага 1 тадан	6	1,5	24640
5	Бошқарма бошлиғи	Ҳар иккита бошқармага 1 тадан	6	1,5	24640
6	Навбатчи	Ҳар 100 та ходимга 1 тадан	2	1,5	24640
7	Меҳмонлар учун	Махсус	2	1	12320
Жами			21		
Ҳудудий адлия органлари					
1	Бошқарма бошлиғи	Ҳар бир раҳбарга шахсан бириктирилган 1 тадан	14	1,5	27720
2	Бошқарма бошлиғининг 1-ўринбосари	Ҳар бир раҳбарга шахсан бириктирилган 1 тадан	14	1,5	27720
3	Бошқарма бошлиғи ўринбосари	Ҳар бир раҳбарга шахсан бириктирилган 1 тадан	14	1,5	27720
4	Навбатчи (хўжалик бўлими)	Хўжалик ишлари учун 1 тадан	14	1,5	24640
Жами			56		
Тумани (шаҳар) адлия бўлимлари					
1	Навбатчи	Ҳар бир туман(шаҳар) адлия бўлимларига 1 тадан	200	1,5	24640
Жами			200		
МУССАСАЛАР					
Республика юристлар малакасини ошириш маркази					
1	Марказ директори	Шахсан бириктирилган 1 та	1	1,5	27720
2	Навбатчи	Ҳар 100 та ходимга 1 тадан	1	1	24640
3	Навбатчи (хўжалик бўлими)	Хўжалик ишлари учун 1 та	1	1,5	24640
Жами			3		
Тошкент давлат юридик университети					
1	Вазир ўринбосари-Ректор	Шахсан бириктирилган 1 та	1	1,5	27720
2	Навбатчи	Ҳар 100 та ходимга 1 тадан	2	1,5	24640
3	Навбатчи	Хўжалик ишлари учун 1 та	1	1,5	24640
4	Махсус	Махсус	1	1	12320
Жами			5		

4. Адлия органлари ва муассасалари, бириктирилган хизмат энгил автомобилларининг белгиланган йиллик (йилликдан келиб чиққан ҳолда ойлик) йўл босиш лимитларига қатъий амал қилишлари шарт.

5. Хизмат энгил автомобилларининг барчаси тегишлилиги бўйича адлия органлари ва муассасалари тасарруфида бўлади.

6. Вазирлик таркибий бўлинмаларига алоҳида хизмат энгил автомобили бириктирилган тақдирда, қўшимча навбатчи автомашиналар фақатгина раҳбарият кўрсатмиси асосида ажратилади.

2-боб. Хизмат энгил автомобилдан фойдаланишга қўйиладиган талаблар

7. Хизмат энгил автомобилларини муайян ҳайдовчига (таркибий бўлинма раҳбари ёки ходимига) бириктириш адлия органлари ва муассасалари раҳбарларининг буйруғига асосан амалга оширилади.

8. Масъул ходим томонидан хизмат энгил автомобилни ҳайдовчига топширишда қуйидаги ҳужжатлар расмийлаштирилади:

хизмат энгил автомобилининг тегишли ходимга бириктирилганлиги ҳақидаги буйруғи;

хизмат энгил автомобили бириктирилган ҳайдовчи билан моддий жавобгарлик тўғрисида шартнома;

хизмат энгил автомобилининг суғурта полиси ва техник паспорти;

масъул шахс томонидан ҳайдовчига хизмат энгил автомобилни топшириш ва қабул қилиш ҳамда техник ҳолати бўйича тузиладиган далолатнома;

9. Ҳайдовчи белгиланган муддатда тиббий кўрикдан ўтиб бориши натижалари бўйича (083/х шаклидаги) тиббий маълумотномани масъул ходимга топшириши лозим.

10. Масъул ходим хизмат энгил автомобилларини доимий соз ҳолатда сақлаш, уларни техник ҳолатидан келиб чиққан ҳолда таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Масъул ходимнинг раҳбар номига алмаштирилаётган эҳтиёт қисмининг охирги маротаба алмаштирилган санаси, босиб ўтган масофаси кўрсатилган ёзма билдиргиси ва техник ҳолати тўғрисидаги таъмирлаш устахоналаридан олинган нуқсон далолатномалари асосида таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Нуқсон далолатномалари тузилаётган даврда таъмирлаш устахонасининг тегишли мутахассиси, масъул шахс ва бириктирилган

хайдовчи қатнашиши (далолатномада ушбу шахсларнинг имзоси бўлиши) шарт.

11. Хизмат энгил автомобилларидан носоз ҳолатда фойдаланиш таъқиқланади.

12. Хизмат энгил автомобилларининг техник ҳолатидан қатъий назар улар тўғрисидаги барча маълумотлар адлия органлари ва муассасаларида алоҳида йиғма жилдларда сақланиши зарур.

13. Йиғма жилдларда қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:

автотранспортнинг техник паспорти нусхаси;

хайдовчининг тиббий кўриқдан ўтказиш натижалари бўйича (083/х шаклидаги) тиббий маълумотнома;

хизмат энгил автомобилени хайдовчига бириктириш тўғрисида буйруқ нусхаси;

моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома нусхаси;

автотранспортнинг суғурта қилинганлиги тўғрисида суғурта полиси нусхаси;

моддий жавобгар шахс билан топшириш ва қабул қилиш бўйича тузилган далолатнома;

автотранспорт воситасига тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатлар.

14. Хизмат энгил автомабилини яроқсиз бўлган эҳтиёт қисмларини алмашганлиги ҳамда охириги маротаба таъмирланганлиги тўғрисида барча тасдиқловчи ҳужжатлар алоҳида йиғма жилдларда сақланади.

15. Бириктирилган хизмат энгил автомобилидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида кундалик иш фаолиятида хайдовчи:

йўл ҳаракати қоидаларига қатъий риоя қилиши;

мансаб йўриқномасини бевосита бажариши;

16. Хизмат энгил автомобилидан фойдаланишда хайдовчига қуйидагилар қатъиян таъқиқланади:

хизмат энгил автомобилга бегона йўловчиларни ўтказиш ва уларга хизмат кўрсатиш;

раҳбар ва бошқа ходимларда хизмат сафари йўлланмаси бўлманда, ўзига бириктирилган хизмат энгил автомобилда ўз ҳудудидан четга чиқиши;

хизмат энгил автомобилларида адлия органлари ва муассасалари фаолиятига тааллуқли бўлмаган турли буюмлар, хом ашёларни ташиш;

хизмат энгил автомобилени қаровсиз ва назоратсиз қолдириш;

хизмат энгил автомобили салони ва юкхонасида ёқилғи махсулотларини сақлаш.

3-боб. Хизмат энгил автомобилдан мақсадли ва тўғри фойдаланилишини назорат қилиш

17. Хизмат энгил автомобилларидан мақсадли ҳамда тўғри фойдаланишни назорат қилиш адлия органлари ва муассасалари раҳбарлари буйруғи билан тайинланган масъул ходим томонидан амалга оширилади.

18. Масъул ходим қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

хизмат энгил автомобилларини раҳбарнинг буйруғига асосан ҳайдовчига бириктириш;

хизмат энгил автомобилларини қонунчиликда белгиланган тартибда техник кўриқдан ўтказиш;

хизмат энгил автомобилларини ўрнатилган тартибда суғурталаш;

хизмат энгил автомобилларини йўл варақаларида автомашинанинг кунлик йўл босиш кўрсаткичларини қайд этиб борилишини назорат қилиш;

йўл варақаларини тўғри расмийлаштириш (тузатиш ва ўзгартиришлар киритмасдан), уларни рўйхатга олиш;

ажратилган ёқилғи махсулотларини тасдиқланган тақсимотга асосан тарқатилишини таъминлаш.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

19. Хар бир ҳайдовчи ўзига бириктирилган хизмат энгил автомобилларини сақлаш, фойдаланиш ва бошқа тегишли талаблар учун шахсан жавобгар.

20. Мазкур Низомда белгиланган талаб ва вазифаларнинг бажарилишини назорат қилиш учун раҳбар ва масъул ходимлар шахсан жавобгар.